

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАНГ



Тошкент 2013
МАЖБУРИЙ НУСXA

УЎК: 396.1

КБК: 86.38 - *Ислоҳ*

И 96

Ислоҳ динида аёлларнинг ҳурмати, қадри жуда юксак тутилади. Чунки уларга эътибор, гамхўрлик жамиятнинг барча қатламлари жисмонан ҳамда маънан камол топиши, ҳаёт осойишта ва фаровон бўлиши, тараққий этиши учун асос яратади.

Ушбу рисолада шу мавзу ёритилган.

Ишматбеков, Ҳомиджон

Аёлни эъзозланг / Ҳомиджон Ишматбеков; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур: – Тошкент: “Movarounnahr”, 2013. – 52 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1546-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

УЎК: 396.1

КБК 86.38

42261
Ю 091
ISBN 978-9943-12-224-6

© Ҳомиджон Ишматбеков

© «Movarounnahr» нашриёти, 2013

2014/12

A

992

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

Сўзбоши

Барча мавжудотларни, шу жумладан, инсон зотини ҳам эркак ва аёл қилган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар, аёллар жамиятда эркакларнинг ажралмас қисми эканини таъкидлаган Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафога чексиз салавот ва саломлар бўлсин.

Республикамиз аҳолисининг ярмини аёл-қизлар ташкил этади, демак, жамият тараққиёти йўлида амалга ошириладиган ишларнинг салмоқли қисми аёллар зиммасига тушади. Улар фарзандларини дунёга келтириб, тарбиялаб, жамиятга қўшиш билан бирга, аёлларга хос бўлган барча соҳаларда ўз вазифаларини астойдил бажармоқдалар. Бу учун эса, аввало, улар ҳар томонлама салоҳиятга эга бўлмоқлари зарур.

Мустақиллик йилларида юртимизда аёлларга эътибор, ғамхўрликни ошириш мақсадида жуда кўп қарорлар қабул қилиниб, тadbирлар амалга оширилиши анъана бўлиб қолди. Ўтган давр мобайнида йилларга “Аёллар йили”, “Соғлом она – соғлом бола йили”, “Оила йили”, “Баркамол авлод”, “Мустаҳкам оила йили” деб ном берилиши ва шу номларга муносиб Давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилиши фикримиз далилидир. Юртбошимизнинг махсус Фармони билан маҳаллаларда диний-маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозими жорий этилгач, маҳаллаларда истиқомат қиладиган аёлларнинг барча соҳа бўйича муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш имкони-

ятлари кенгайди. Айниқса, “Соғлом онадан соғлом фарзанд” шиори остида аёлларнинг соғлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг жамиятдаги мавқеи, маънавий-маданий савияси юксалмоқда.

Аёлларга оид масалалар ҳамма даврларда ҳам муҳим саналган. Чунки аёл кишининг жисмонан ва руҳан соғлом, бардам, салоҳиятли бўлиши жамиятнинг гуллаб-яшнашига ва аксинча бўлиши эса, жамиятнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлади. Шу муҳим мавзуга бағишланган ушбу рисола Аллоҳ таоло барчага манфаатли қилсин, омин!

АЁЛ ИСЛОМ НИГОҲИДА

Аллоҳ таоло яратган барча мавжудотлари орасида инсон зотини азизу мукаррам қилди. Инсониятнинг аввали бўлмиш Одам атони Ўз қўли билан яратиб, унга гўзал сурат, хуш қомат ато этди, осойишта ва хотиржам ҳаёт кечириши учун унинг жуфттини, яъни Момо Ҳаввони яратди. Мана шундан бошлаб инсонлар ўз ҳаётларини жуфтликда давом эттириб келдилар. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай марҳамат қилинган:

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا
لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي
ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١﴾

яъни: “Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган

кишилар учун аломатлар бордир” (Рум, 21). Ушбу оятдан аёл зотининг яратилиши эркаклар учун Аллоҳ таолонинг чексиз муруввати эканини англаш мумкин. Зеро, эркак киши учун бу дунёнинг роҳату фароғати солиҳа аёли билан унсу улфатда, хотиржамликда яшашдир. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларининг бирида бундай марҳамат қилганлар:

“من سعادة ابن آدم: المرأة الصالحة، والمسكن الصالح، والمركب الصالح”

яъни: “Одам боласининг бахт-саодати солиҳа аёл, кулай уй-жой ва яхши уловдир” (Имом Аҳмад ва Имом Тобароний). Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган бошқа бир ҳадисда эса Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

عن أنس قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: “حبب إلي من دنياكم النساء والطيب وجعلت قرة عيني في الصلاة”

яъни: “Менга дунё матоларидан аёллар ва хушбўй нарсалар севимли қилинди, кўзимнинг қувончи эса намоздадир” (Имом Насоий).

ИСЛОМДАН АВВАЛГИ ДАВРДА АЁЛЛАРГА МУНОСАБАТ

Ўтмишда баъзи бир юртларда жамиятнинг асосий қисмини ташкил этган аёлларга нисбатан муносабат жуда ҳам ачинарли бўлган. Масалан, қадимги Мисрда Нил дарёси қирғоғида яшовчи аҳоли агар қурғоқчилик бўлиб, дарёнинг суви камайиши натижасида экин-тикин унмай, чорвалар қирилиб, яшаш оғирлашиб қолса, ўз қабилаларидан битта

қизни дарёга ташлаб қурбонлик қилишган, бу билан дарёнинг суви кўпайишидан умидвор бўлишган. Ҳиндистонда эса, қадимда бундан-да мудҳишроқ одат бўлган, яъни, агар оилада эр вафот этса, мурдага қўшиб аёлини ҳам тириклайин ўтда куйдиришар эди. Чунки улар аёл киши фақат ўз эри учун яратилган, эр ўлгач, аёлининг ҳам яшашга ҳақи йўқ, деган эътиқодда бўлганлар. Жоҳилият даври араблари турмушида ҳам шунга ўхшаш аёл-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қиладиган, ҳар бир тирик мавжудотга берилган энг олий ҳуқуқ бўлмиш яшаш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган ярамас урф-одатлар бўлган. Қуръони каримда ўша даврдаги ҳолатлар ҳам баён қилинган. Жумладан, Наҳл сурасида шундай оятлар мавжуд:

وَإِذَا بُشِّرَ أَحَدُهُم بِالْأُنثَىٰ ظَلَّ وَجْهُهُ مُسْوَدًّا وَهُوَ كَظِيمٌ ﴿٥٨﴾
 يَتَوَرَّى مِنَ الْقَوْمِ مِن سُوءِ مَا بُشِّرَ بِهِ أَيَسْكَبُ عَلَىٰ هُونٍ أَن مَن
 يَدُسُّهُ فِي التُّرَابِ أَلَا سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿٥٩﴾

яъни: “Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушxabар берилса, ғзаби келиб, юзлари қорайиб кетади. У (қиз)ни камситган ҳолда олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушxabар берилган нарсанинг “ёмон”лигидан (орият қилиб) одамлардан яшири-ниб олади. Огоҳ бўлингиз, уларнинг бу ҳукмлари жуда ёмондир” (Наҳл, 58–59). Яъни, оилада қиз фарзанд дунёга келиши ота учун катта мусибат бўлган. Қизни катта қилиб балоғатга етгач бировга узатиш ёки араб қабилалари орасида тез-тез бўлиб турадиган урушларда қизларнинг асирга тушиб, бировлар-

нинг қўлида чўри бўлиб юриши ота учун катта иснод ҳисобланар эди. Мана шундай азоб, хўрликдан қутулиш учун ота ўз кизини гўдаклигидаёқ тириклайин тупроққа кўмар эди. Аллоҳ таоло бунинг нақадар улкан гуноҳ эканлигини таъкидлаб:

وَإِذَا الْمَوْءِدَةُ سُئِلَتْ **۸** بِأَيِّ ذَنْبٍ قُتِلَتْ **۹**

яъни: «(Ҳар бир) тириклай кўмилган қиздан “не гуноҳи учун ўлдирилган?” деб сўралганида...», деб огоҳлантиради (*Таквир*, 8–9). Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) саҳобалариларидан бири ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) бундай дейди: “Мен икки нарсани қайта-қайта эсга оламан ва ҳар гал уларнинг бирини эслаганимда ўзимни кулгидан тўхтата олмайман, иккинчисини эслаганимда эса, юрак-бағрим эзилиб, йиғидан ўзимни тия олмайман. Кулишимга сабаб бўладиган воқеа шуки, болалик вақтимизда онамиз бизга ҳолва берар эди. Биз ундан ўзимизча буд ва санамлар ясаб, унга сиғинардик. Кечки томонга бориб, қорнимиз очганида эса, уларни еб қўярдик. Ўзимиз қўлимиз билан ясаб ибодат қилган худомизни ўзимиз еганимизни эслаб кулгим келади. Эслаганимда йиғлашимга сабаб бўладиган воқеа шуки, менинг қизим бор эди. Уни жоҳилият одатига кўра ор-номус қилиб ўз қўлларим билан тириклайин ерга кўмганман. Эсимда, ўшанда қизимни чеккароқ бир жойга олиб бордим. Терга ботиб ўра қазимоқдаман, қизалоғим эса, ўзининг мана шу ўрага тириклайин кўмилишидан беҳабар ҳолда жажжи қўллари билан соч-соқолимга ёпишган тупроқларни пайпаслаб туширар эди. Мана шу ҳолатни эслаганимда, йиғидан ўзимни тўхтата олмайман”.

Бундан ташқари, жоҳилият даврида аёллар меросдан буткул маҳрум қилинган эди. Яъни, аёл киши ҳар қандай яқин қариндоши вафот этганида ҳам, ундан қолган мол-мулкка меросхўр бўлолмас эди. Аксинча, эри ўлгач, аёлни марҳумдан қолган мол-мулкка қўшиб эрининг ака ёки укаларидан бирортаси мерос ҳисобида мулк қилиб олар эди. Бу ҳақда Куръони каримда шундай дейилган:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا لَا يَحِلُّ لَكُمْ اَنْ تَرِثُوْا النِّسَاءَ كَرِهًا

яъни: “Эй имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир...” (Нисо, 19).

Жоҳилият даврида бир аёлнинг эри ўлса, унинг ўғай ўғли ёки бошқа бир қариндоши беванинг ёки унинг чодирининг устига ўз чопонини ташлаб қўйиш билан аёлни мерос қилиб олар экан. Сўнгра хоҳласа ўзи унга маҳрсиз уйланар, хоҳласа бошқага эрга бериб, маҳрини ўзи олар ёки узоқ вақт эрсиз қолдириб, беванинг қўлидаги биринчи эридан қолган мероси ёки бошқа бойлиги эвазига уни озод қиларди. Агар аёл ўша кишиларнинг чопон ёпишидан олдин уйдан чиқиб кетишга улгурса, шундагина ихтиёри ўз қўлида қолган. Шундай аёллардан Абу Қайсининг Кабиша исмли бева хотини Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига эрининг ўғлидан шикоят қилиб келди. Мазкур масалага жавоб тариқасида ушбу оят нозил бўлди: “Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг. Магар илгари ўтган бўлса (улар кечирилади). Албатта, бу қабиҳ, жирканч ва ёмон йўлдир” (Нисо, 22).

ИСЛОМ ДИНИ ТАЪЛИМОТИДА АЁЛГА МУНОСАБАТ

Ислом дини келиши ва унинг инсонпарвар таълимотлари одамлар орасида ёйилиши натижасида жаҳолат ботқоғига бўғзигача ботиб кетган кишиларнинг онгида аёл зотиغا нисбатан эҳтиром уйғона бошлади. Улар қалбида маърифат ва эзгуликка интилиш нурлари пайдо бўлди. Кунларнинг бирида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларга қарата бундай дедилар:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "من كن له ثلاث بنات يتيمين ويرحمهن ويكفلهن وجبت له الجنة البتة" قال: قيل: يا رسول الله صلى الله عليه وسلم، فإن كانتا اثنتين؟ قال: "وإن كانتا اثنتين" قال: فرأى بعض القوم أن لو قال له: واحدة؟ لقال واحدة.

яъни: "Кимнинг учта қизи бўлса, у уларни бағрига олиб, раҳм-шафқат кўрсатиб, ўз зиммасидаги барча таъминотларини адо этса, албатта, унга жаннат вожиб бўлади". "Агар иккита қизи бўлса-чи?" деб сўралди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Иккита бўлса ҳам", дедилар. "Агар битта бўлса-чи?" деб яна сўралганида, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) албатта: "Битта бўлса ҳам", деб жавоб берган бўлар эдилар (*Имом Аҳмад*). Қиз фарзанд тарбиялаб вояга етказиш орият эмас, балки охиратда дўзахдан нажот, жаннатга киришга кафолат эканини эшитган кишиларнинг онгида қиз фарзандга муносабат бутунлай ўзгарди, уларга нисбатан меҳр-шафқат

ҳислари пайдо бўлди. Жоҳилият арабларининг он-гида қиз фарзандга нисбатан фикр-муносабатни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна бундай марҳамат қилдилар:

وعن ابن عباس رضي الله عنهما قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "من ولدت له أنثى فلم يندھا، ولم يهنها، ولم يؤثر ولده عليها، أدخله الله بها الجنة".

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Ра-суллоллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ким қиз фарзанд кўрса, бас, уни тириклайин кўммаса, кам-ситиб хўрламаса, ўғлини ундан ортиқ кўрмаса, Аллоҳ таоло ўша қизи туфайли уни жаннатга дохил қилади”. Ушбулардан кўринадики, ислом дини ўзининг олижаноб таълимотлари билан аёл-қизларни жамиятдаги энг мўътабар зотлар қаторига олиб чиқди.

Ҳаётда ўғил болаларга нисбатан қиз болалар кўпроқ туғилиши кузатилган. Бунинг сабаби, балки, инсон наслининг давом этиши кўп жиҳатдан қизларга боғлиқлигидир. Шунинг учун ҳам қиз фарзанд туғилганда бундан шодланиш, ўғил бола дунёга келганда бундан ҳам кўра кўпроқ хурсанд бўлиш динимиз руҳига мос, айна пайтда жоҳилият одатига хилоф амал саналади. Қуръони каримда:

يَهَبُ لِمَن يَشَاءُ إِنثًا وَيَهَبُ لِمَن يَشَاءُ الذَّكَورَ ﴿٤٩﴾

яъни: “... Хоҳлаган кишисига қизларни ҳадя этур ва хоҳлаган кишисига ўғилларни ҳадя этур” (Шуро, 49), деб қиз боланинг аввал зикр қилиниши ҳам бежиз эмас.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизларни “мужаҳҳазот ва мунисот” деб номлаганлар. Яъни, ҳамма нарсалари жиҳозлаб, тайёрлаб қўйилган ва ота-оналарига ўта меҳрибон деган маънони англатади. Сабаби, қиз боланинг ҳаёти учун зарур бўлган барча нарсаларни, ҳатто сарпо-суруқларини ҳам ота таъминлаб беради. Бунда отага Аллоҳ таолонинг ўзи мадад беради.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳам ҳадисларининг бирида:

“لا تکرهوا البنات فانی أبو البنات”

яъни: “Қизларни ёмон кўрманглар, инчунун, мен ҳам қизларнинг отасиман”, деб марҳамат қилганлар. Дарҳақиқат, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам тўртта қизлари бўлган ва уларни эъзозлаб, эҳтиром қилганлар. Онҳазрат (алайҳиссалом): “Мен ҳам қизларнинг отасиман”, дейишларидан маълум бўладики, қизларни ёмон кўриш мумкин эмас. Чунки Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарига фақат яхши нарсаларни ихтиёр этган. Кимда ким Аллоҳ ато этган нарсадан юз ўгирса ва ёки норози бўлса, Унинг ғазабига дучор бўлиши турган гап. Афсуски, ҳозирги давримизда ҳам қиз фарзанд тукқани учун хотинини маломат қиладиган оталар учрайди. Яъни, баъзилари ўғил фарзанд туғмагани учун хотинини қўйиб юборишгача бормоқда. Бу ўша кишиларнинг онгида жоҳилиятнинг асоратлари сақланиб қолганидандир. Агар улар Пайғамбардек зотга эргашганларида, У кишидан ўрнак олганларида эди, қиз фарзандларини яхши кўрган, бу неъмат учун Аллоҳ таолога ҳамду сано ва шукрлар айтган бўлар эдилар.

Куръони каримда Имроннинг хотини Аллоҳдан ўғил фарзанд тилагани ва агар унга ўғил ато этса, фарзандини Унинг йўлига бахш этишини айтиб дуо қилгани, аммо Аллоҳ унга қиз фарзанд бергани ва бу қиз ўғилдан ҳам яхшироқ бўлишини айтгани зикр қилинади:

إِذْ قَالَتِ امْرَأَتُ عِمْرَانَ رَبِّ إِنِّي نَذَرْتُ لَكَ مَا فِي بَطْنِي
 مُحَرَّرًا فَتَقَبَّلْ مِنِّي إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٣٥﴾ فَلَمَّا وَضَعَتْهَا
 قَالَتْ رَبِّ إِنِّي وَضَعْتُهَا أُنْثَىٰ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا وَضَعْتَ وَلَئِن
 لَّدَّرَكَ كَالْأُنْثَىٰ وَإِنِّي سَمَّيْتُهَا مَرْيَمَ وَإِنِّي أُعِيذُهَا بِكَ
 وَذُرِّيَّتَهَا مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ ﴿٣٦﴾

яъни: “Эсланг, (эй Муҳаммад!) Имроннинг хотини (Ҳанна): “Эй Раббим, мен қорнимдаги нарсани (ҳомилани дунё ишларидан) озод этиб, Сенга назр қилдим. (Уни) мендан қабул эт! Албатта, Сен Самеъ (эшитувчи) ва Алим (билимдон)-дирсан”, – деб дуо қилди. Кўзи ёригач, деди: “Эй Раббим, мен қиз туғдим”, – ваҳоланки, Аллоҳ унинг нима туққанини билувчироқ эди. Ахир, (у кутган) ўғил бу қиздек (хислатли) бўлмасди. – “Мен унга Марям деб исм қўйдим ва унга ҳамда зурриётига қувғин этилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришингни Сендан сўрайман” (Оли Имрон, 35–36). Дарҳақиқат, туғилган бу қиз Марям (розияллоҳу анҳо) эди. Аллоҳ таоло уни бокира аёлларга ибрат бўларли хислат ва фазилатлар соҳибасига айлантирди. Келажакда ундан бутун оламларга Аллоҳнинг қудрати тимсоли бўладиган

пайғамбар Исони (алайҳиссалом) дунёга келтирди. Бу оятларда инсон ўзига берилган фарзандларнинг қайси биридан яхшилик кўришини олдиндан билмаслигига ишора бор.

Ислом шариати ҳар бир аёл киши ҳаётда ўз ўрнига эга эканини эълон қилиш билан, жоҳилият даврида ундан тортиб олинган ва поймол қилинган ҳақхуқуқларини қайтариб берди. Уни аввало она сифатида, шунингдек, ижтимоий ҳаётда тутган ҳар бир ўрнига мос тарзда ҳурмат, эътиборга муяссар этди.

Қуръони каримнинг ўндан ортиқ сураларида аёллар ҳақида сўз юритилган бўлиб, бу суралардан иккитасида, яъни “Нисо” ва “Талоқ” сураларида аёлларга қаратилган бир қанча ҳукмлар баён қилинган. Шунингдек, “Бақара”, “Моида”, “Нур”, “Аҳзоб”, “Мужода-ла”, “Мумтаҳана” ва “Таҳрим” сураларида ҳам аёллар ҳақида сўз юритилган. Қуръони каримда аёлларга оид масалаларга бу даражада кенг ўрин берилиши ҳаётда аёл кишининг ўрни муҳим ва жамият бунга эътибор бериши лозим эканидан далолатдир.

Ислом дини аввало аёлларни она сифатида қадрлайди. Чунки барча жонзотларнинг асли асоси онадир. Шунинг учун ҳам инсон учун энг азиз бўлган ватан, тупроқ, замин, юрт сўзларига ҳам она сўзи кўшиб айтилади. Ҳатто, Қуръони каримда Ер қуррасининг маънавий маркази ҳисобланган Маккаи мукаррама “Уммул Қуро” яъни, “шаҳарларнинг онаси” деб номланган. Шунингдек, Қуръони Каримнинг биринчи Фотиҳа сураси “Уммул Қуръон” яъни, “Қуръоннинг онаси” деб аталиши ҳам шундандир.

Қуръони каримда ота-онага яхшилик қилиш Аллоҳ таолога ибодат қилишдан кейинги ўринда турадиган энг улуғ амал экани баён қилинган. Хусу-

сан, оналарнинг оталарга нисбатан ортиқроқ иззат-эҳтиром қилинишига сабаб уларнинг ўз фарзандларини дунёга келтиргунча чеккан машаққатлари экани алоҳида зикр қилинган.

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ إِحْسَانًا حَمَلَتْهُ أُمُّهُ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ
 كُرْهًا وَحَمَلُهُ وَفِصْلُهُ ثَلَاثُونَ شَهْرًا

яъни, “Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир. Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир...” (Аҳқоф, 15). Ўз жонини қил устига қўйиб, фарзандини дунёга келтиришдек ша-рафли қобилиятни Аллоҳ таоло аёлларга ато этган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оналарнинг мартабасини ниҳоятда юксакка кўтариб:

”الحنة تحت أقدام الأمهات“

яъни, “Жаннат оналарнинг оёғи остидадир”, деганлар. Аллоҳ таоло ва Унинг ҳақ Пайғамбари она шаънини бежиз улуғлагани йўқ. Зеро, ўз ёрларига вафодор, фарзандларига меҳрибон муниса оналар доимо Аллоҳнинг муҳофазасида, унинг риоясидадирлар. Аллоҳ таоло уларнинг нолаларини эшитади, дуоларини сўзсиз ижобат қилади.

وَضْرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا امْرَأَتَ فِرْعَوْنَ إِذْ إِذْ
 قَالَتْ رَبِّ ابْنِ لِي عِنْدَكَ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ وَنَجِّنِي مِنْ فِرْعَوْنَ
 وَعَمَلِهِ وَنَجِّنِي مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿١١﴾

яъни: “Аллоҳ имон келтирган зотлар ҳақида Фиръавннинг хотинини мисол келтирди. Ўшанда у: “Эй Раббим! Ўзинг мен учун ҳузурингда, жаннатда бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажот бергин. Мени зolimлар қавмидан халос этгин!” – деди” (Таҳрим, 11). Ўз даврида ўта зулмкор, ҳатто худоликни даъво қилган Фиръавннинг хотини Осиё Мусога (алайҳиссалом) махфий тарзда имон келтирган бўлиб, эрининг амалларидан нажот тилаб, Аллоҳ таолога илтижо қилади. Юқоридаги оятда Аллоҳ таоло Осиёнинг бу дуосини эшитгани ва уни ижобат қилганини баён этмоқда. Ривоятларга қараганда, муҳаддислар султони Имом Бухорий ҳазратлари болалак вақтларида кўзлари кўрмас бўлиб қолган, мушфиқ оналарининг дуоси шарофатидан кўзлари очилиб, мунаввар бўлиб кетгани ҳам фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Ислом динида аёл киши хотин – вафодор ёр сифатида ҳам қадрланади. Солиҳа аёл эркак учун бу дунёнинг энг яхши неъматидеб таърифланади. Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) ҳадисларининг бирида:

“الدنيا متاع وخير متاعها المرأة الصالحة”

яъни: “Дунё ўзи бир мато, унинг энг яхши матоси солиҳа аёлдир”, деганлар. Ислом дини аёл кишининг маиший ҳаётдаги барча таъминотини эрининг зиммасига юклаб, уни тирикчилик учун иш ахтариб меҳнат қилиш машаққатидан озод этган.

الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى
بَعْضٍ وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ

яъни: “Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)-ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир...” (Нисо, 34). Мазкур оятдан эрнинг зиммасида хотинни нафақа билан таъминлаш бурчи бор экани келиб чиқади. Аллоҳ таоло аёл кишига ҳаёти давомида ҳеч нарсага зориқмай яшаши учун, ўзининг моддий эҳтиёжларини қондириш йўллари ҳақида умуман бош қотирмай, эрининг топганидан тўлақонли равишда фойдаланиш ҳуқуқини берган.

عن عائشة رضي الله عنها قالت: إن هنداً بنت عتبة قالت: يا رسول الله إن أبا سفيان رجل شحيح وليس يعطيني ما يكفيني وولدي إلا ما أخذت منه وهو لا يعلم فقال: “خذي ما يكفيك وولدك بالمعروف”

яъни: Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: Утбанинг қизи Ҳинд: “Ё Расулуллоҳ! Эрим Абу Суфён ўта зикна киши, менга ҳам, боламга ҳам етадиган нафақани бермайди. Шунинг учун мен унга билдирмай оламан”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўзинг ва болангнинг эҳтиёжи учун зарурини олавергин”, дедилар (*Имом Бухорий ва Имом Муслим*).

Қуръони каримда Аллоҳ таоло оилага эркак кишини раҳбар қилиб тайинлаган. Аммо бу унга берилган имтиёз эмас, балки зиммасида хотини ва болаларига нисбатан жавобгарлик масъулияти бор эканини англатади. Пайғамбар (алайҳиссалом) видолашув ҳажида катта жамоат олдида қилган хутбаларида, жумладан, шундай деган эдилар:

”اتقوا الله في النساء فانهن عوان عندكم أخذتموهن بأمانة الله واستحلتم فروجهن بكلمة الله ولهن عليكم رزقهن وكسوتهن بالمعروف“

яъни: “Эй эркаклар! Аёллар борасида Аллоҳдан қўрқинглар! Зеро, улар сизларга қарамдир. Уларни Аллоҳнинг омонати ва Аллоҳнинг каломи билан танларини ўзингизга ҳалоллаб олгансизлар. Уларни едирмоқ ва кийдирмоқ сизларнинг зиммангиздандир” (Имом Муслим ва Абу Довуд).

وعن حكيم بن معاوية القشيري عن أبيه قال: قلت: يا رسول الله ما حق زوجة أحدنا عليه؟ قال: ”أن تطعمها إذا طعمت وتكسوها إذا اكتسيت ولا تضرب الوجه ولا تقبح ولا تهجر إلا في البيت.“

яъни: Ҳақим ибн Муовия Кушайрий оталаридан ривоят қилиб айтадилар. Мен Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бизларнинг аёлимиз олдида қандай бурчимиз бор?” деб сўрадим. Шунда у зот: “Еганингда едирмоғинг, кийганингда кийдирмоғинг, юзига урмаслигинг, ҳақоратлаб сўкмаслигинг ва фақат уйингнинг ичидагина ҳижрон қилмоқлигинг”, деб жавоб бердилар (Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Ибн Можа). Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эркакларнинг зиммасида аёлларнинг иқтисодий таъминоти борлигини баён қилиш билан бирга, уларга қўл кўтаришдан, уларни камситишдан қайтармоқдалар. Ҳатто, агар эр хотинидан бирор сабабдан аразлаган ҳолатда ҳам, уйдан ташқарига чиқиб кетмаслиги кераклиги, акс ҳолда аёлининг обрўсини поймол этиб, унинг ҳақиға хиёнат қилган бўлишига ишора қилмоқдалар.

Маълумки, аёл зоти нозик хилқат. Шунинг учун ҳам унга заифа, ожиза деб сифат берилади. Ислом шариати аёллардаги ожизалик ва заифаликни инобатга олган ҳолда гоҳида улардан содир бўладиган камчиликлардан кўз юмишга эркакларни тарғиб қилади.

عن أبي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "استوصوا بالنساء خيرا فإنهن خلقن من ضلع وإن أعوج شيء في الضلع أعلاه فإن ذهبت تقيمه كسرته وإن تركته لم يزل أعوج فاستوصوا بالنساء"

яъни: Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: "Аёлларга яхшилик билан васият қилингллар! Улар қовурғадан яратилган, дарҳақиқат, қовурғанинг энг қийшиғи энг сўнггисидир. Агар уни тўғрилайман десангиз, синдириб қўясиз. Ўз ҳолига қўйсангиз қийшиқлигича тураверади. Бас, аёлларга яхши муомалада бўлинглар" (*Имом Бухорий ва Имом Муслим*). Бошқа бир ҳадисларида бундай марҳамат қилганлар:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "لا يفرك مؤمن مؤمنة إن كره منها خلقا رضي منها آخر".

яъни: "Ҳеч қачон мўмин киши ўзининг мўмина аёлини бутунлай ёмон кўриши мумкин эмас. Агар ахлоқида бирор феълини ёқтирмаса, бошқа феълидан рози бўлиши бор" (*Имом Муслим*).

Ривоят қилинишича, бир киши Ҳазрат Умарнинг (розияллоҳу анҳу) уйларига келиб эшикларини тақиллатди. Эшик очилавермагач, бир оз кутиб

қолди. Беихтиёр ичкаридан аёл кишининг ғинг-шиниб жавраётган овозини эшитиб қолди ва шу заҳотиёқ орқасига ўтирилиб кетди. У кетгач, ичкаридан ҳазрат Умар чиқиб келдилар ва кетаётган кишини чақириб: “Эшикни сен тақиллатдингми, нега қайтиб кетяпсан?” – деб сўрадилар. У киши ортига қайтиб келиб, бу ерга келиш сабабини тушунтира кетди: “Мен сизнинг олдингизга ўз аёлимнинг ёмон хулқидан шикоят қилиб келган эдим. Унинг тили жуда ҳам аччиқ, бунинг устига доим нолигани нолиган. Бўлар-бўлмасга мени қарғаб ҳақоратлайди, ҳатто гоҳида қўл ҳам кўтариб юборади. Ҳар қанча қилсам ҳам уни тартибга чақира олмаяпман. Ажрашиб кетай десам, ўртада болаларимиз бор. Шунинг учун сизга мурожаат қилиб келдим. Ўзингиз уни чақиртириб насиҳат қилиб қўйсангиз, дегандим. Аммо бехосдан сизнинг уйингиздан ҳам аёл кишининг нолиганнамо овозини эшитиб қолганим учун, бундай машмаша сизнинг ҳам хонадонингизда борлигидан хижолат бўлиб, ортимга қайтган эдим”, – деди. Шунда ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) бу кишининг гапига қулоқ солиб туриб мийиғида кулдилар-да, дедилар: “Эй биродар, менинг аёлим уйимни саранжом-саришта қилади, қорним очса овқатимни ҳозирлайди, кийимларимни ва болаларимни ювиб тарайди, менинг обрўйим ва ўзининг иффатини сақлай билади, ҳеч қачон уйдаги гапларни кўчага олиб чиқмайди. Шунча яхшиликларидан баҳраманд бўлиб турганимда, биргина камчилигига сабр қилсам, нима бўлибди?!”

Ислом таълимотида аёлларга эр-хотинлик ҳаёти соҳасида ҳам бошқа дин ва таълимотларда учрамайдиган мислсиз ҳақ-ҳуқуқлар берилган. Биринчи навбатда, аёл кишини турмушга узатишда, унинг ро-

зилиги бўлиши шарт, яъни унда ўзига турмуш ўрток танлаш ихтиёри бор.

عن أبي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "لا تنكح الأيم حتى تستأمر ولا تنكح البكر حتى تستأذن". قالوا: يا رسول الله وكيف إذنها؟ قال: "أن تسكت"

яъни: Абу Хурайра (розияллоху анху) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) дедилар: “Жувонни то ўзидан рухсат олинмагунча никоҳланмайди, қиз болани то ундан изн сўралмагунча никоҳланмайди”. “Қиз боланинг изни қай тарзда бўлади?” деб сўрашганда, “Сукут сақламоғи”, деб жавоб бердилар (*Имом Бухорий ва Имом Муслим*).

Динимизда турмушга чиқаётган ҳар бир аёлга эри туҳфа, яъни маҳр бериши фарз қилинган. Шариатда маҳрнинг тайинланган маълум бир миқдори йўқ, чунки кишиларнинг баъзилари бой, баъзилари камбағал, шу сабабдан ҳар ким ўз имкониятидан келиб чиқиб маҳр беради. Маҳрга фақат хотиннинг ўзи эгалик қилади. Олдинги пайтларда хотинларнинг маҳрига уй-жой, боғу равоатлар, сигир-бузоқлар беришган ва қозилар буни ўз муҳрлари билан тасдиқлашган. Куёв маҳрни ўз мулкидан ва ўз ихтиёри билан бериши лозим. Маҳрнинг озайиши ва кўпайишига ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Турмуш даражаси юқори бўлган жойлардаги қиймати баланд маҳрга ҳавас қилиб, ўйламай-нетмай ўзимизда ҳам шуни жорий қиламиз, деб уриниш ўта фаҳмсизликнинг белгисидир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) замонларида маҳр ниҳоятда енгил эди. Саҳоба Жобир ибн Абдул-

лох: “Хотиннинг маҳрига бир ҳовуч талқон ёки хурмо берса, никоҳ дуруст бўлади”, деган. Саҳоба Омир ибн Робиъа эса Бани Ҳазора қабиласидан бўлган хотинни бир жуфт кавуш олиб бериб, никоҳлаб олган. Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган бир ҳадисда айтилишича, Абдурахмон ибн Авф данакдай олтин бериб хотин олган. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) унинг хурсандлиги сабабини сўраганларида: “Данакдай олтин бериб бир хотинга уйландим”, деб жавоб қилган. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни қутлаб: “Ундай бўлса, энди бир қўй сўйиб тўй қилгин”, деганлар.

Бизнинг давримизда маҳр никоҳ узуги, қўл соати ёки бошқа турдаги тақинчоқлардан иборат бўлиши урфга айланди. Имом Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) маҳрнинг энг озини ўн дирҳам деб белгилаганлар. Дирҳам кумуш танга бўлиб, бир дирҳам 3,12 граммга тенг. Демак, энг оз маҳр 31,2 грамм кумушни ташкил этади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларининг бирида бундай деганлар:

“من تزوج امرأة على صداق وهو لا يريد أن يفى لها به فهو زان”

яъни: “Ким бир хотинни унга тайинли маҳрни ваъда қилиб никоҳига олса-ю, аммо уни беришни хоҳламаса, у зинокордир” (*Баззор ривояти*). Демак, маҳр аёл кишининг никоҳи эвазига эр томонидан берилиши лозим бўлган ҳақдир.

Ҳозирги кунимизда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларига доир яна бир муҳим нарса бор, буни барча яхши тушуниб олмоғи лозим. Биз дунёвий ва мусулмонбод юртда яшаймиз, яъни ҳам давлат қонунларига, ҳам шарият кўрсатмаларига амал қиламиз. Айниқса, одоб-ахлоқ, тарбия, оила масалаларида ҳаёт сино-

видан ўтган аъналаримиз, тажрибалар кўп. Аёллар ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш мақсадида оила кураётган барча эр-хотинлар фуқаролик ва шаръий никоҳдан ўтишлари бирдек лозимдир. Иккисидан бирининг бўлмаслиги оқибатида шу оила аъзоларининг, хусусан, аёллар ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлиши ҳолатлари ҳам кам эмас. Фақат шаръий никоҳ билан чекланиш, хоҳлаган вақтда талоқсан, дейиш эрнинг барча мажбуриятлардан ўзини халос этишига, охир-оқибат аёлларнинг жабр кўриб қолишига сабаб бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, аёл киши оилада ўз ўрнига эга, аёллик шаънига лойиқ даражада ҳурмат ва иззатга муносибдир. Аммо ана шу ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиш учун у ҳам ўз зиммасидаги мажбуриятларини тўлиқ адо этмоғи керак. Зеро, ҳар қандай киши зиммасидаги масъулиятни тўлиқ ҳис қилсагина, ўз вазифасини мукамал адо этсагина, ҳурматга лойиқ бўлади.

Аёл кишининг оиладаги энг катта мажбурияти эрга итоат этмоқликдир. Чунки эр оила раҳбари. Раҳбарга итоат этиш эса вожибдир. Дунёда бахтли, охиратда жаннат аҳллари қаторида бўлишни истаган аёл Аллоҳга осий бўлмайдиган барча ишларда эрига итоат этиши, унинг розилигини топиши шарт бўлади. Аллоҳ таоло Куръони каримда барча аёлларга ибрат бўладиган, энг намунали аёлни таърифлаб шундай марҳамат қилган:

فَالصَّالِحَاتُ قَانِتَاتٌ حَافِظَاتٌ لِّلْغَيْبِ بِمَا حَفِظَ اللَّهُ

яъни: "... (Аёллар ичида) солиҳалари – бу (Аллоҳга ва эрига) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича

ҳимоятли (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир...” (Нисо, 34). Демак, солиҳа аёл деганда Аллоҳнинг ҳақини адо этиш билан мудом эрининг итоатида бўладиган, унинг сири-ни ошкор қилмай, топган мол-мулкни тежаб-тергайдиган, обрў ва шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлардан ўзини сақлай биладиган аёл тушунилади.

وعن أبي هريرة قال: قيل لرسول الله صلى الله عليه وسلم: أي النساء خير؟ قال: “التي تسره إذا نظر وتطيعه إذا أمر ولا تخالفه في نفسها ولا مالها بما يكره”

яъни: Абу Ҳурайра (розияллоху анҳу) ривоят қилади, Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом): “Қандай аёлни яхши аёл дейилади?” деб сўралди. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Эри қараганда хурсанд бўладиган, бирор нарсага буюрганда итоат этадиган, ўз нафси ва мол-мулки борасида ҳам эрига қарши чиқмайдиган аёл”, деб жавоб бердилар (*Насоий ва Байҳақий ривояти*).

Ислом таълимотида аёл кишининг эрга итоат этиши нафл ибодатлардан ҳам муҳимроқ саналади. Яъни, аёл киши нафл рўза тутмоқчи бўлса, бунинг учун эридан рухсат сўрамоғи лозим. Намозни имкон қадар қисқароқ ўқиб, эрининг итоатига ҳозир бўлиб турмоғи даркор.

وعن أبي سعيد قال: جاءت امرأة إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم ونحن عنده فقالت: زوجي صفوان بن ائطلع الشمس قال! صليت ويفطرنى إذا صمت ولا يصلي الفجر حتى تطلع الشمس قال: وصفوان

عنده قال: فسأله عما قالت فقال: يا رسول الله أما قولها ”يضرني إذا صليت“ فإنها تقرأ بسورتين وقد نهيتها قال: فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ”لو كانت سورة واحدة لكفت الناس“. قال: وأما قولها ”يفطرنى إذا صمت“ فإنها تنطلق تصوم وأنا رجل شاب فلا أصبر فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ”لا تصوم امرأة إلا بإذن زوجها“ وأما قولها ”إني لا أصلي حتى تطلع الشمس“ فإننا أهل بيت قد عرف لنا ذلك لا نكاد نستيقظ حتى تطلع الشمس قال: ”فإذا استيقظت يا صفوان فصل“.

яъни: Абу Саид (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Бир аёл Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдларига келди, биз ҳам ўша ерда эдик. У: “Эрим Сафвон ибн Муаттил қачон намоз ўқисам мени уради, рўза тутсам оғзимни очтиради, ўзи эса бомдод намозини қуёш чиққандан кейин ўқийди”, деди. Сафвон ҳам ўша ерда эди, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан аёлининг айтганлари ҳақида сўрадилар. Шунда у: “Эй Расулуллоҳ! У намоз ўқисам, уради, деяпти. Чунки у иккита сурадан ўқийди, ваҳоланки, сиз бизни бундан қайтаргансиз”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар битта сура бўлганида ҳам, бутун инсониятга етган бўлар эди”, дедилар. Сафвон: “Рўза тутсам оғзимни очтиради”, деяпти. Аёлим ҳа деганда нафл рўза тутаверади. Мен ёш йигит бўлсам, унинг рўза тутишига қараб сабр қилиб тура олмайман”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аёл киши эрининг рухсатисиз нафл рўза тутиши мумкин

эмас”, дедилар. “Бомдод намозини куёш чиққандан кейин ўқийди, деяпти. Биз шунга одатланган қавмиз. Уйқудан фақат куёш чиққандан кейингина уйғонамиз”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уйғонганингдан кейин қазосини ўқиб олгин”, дедилар (*Имом Абу Довуд ва Ибн Можа*). Ушбу ҳадисдан аёл киши учун эрга итоат қилиш нафл ибодатлардан ҳам муҳимроқ экани кўриниб турибди.

Хулоса шуки, аёл киши эрига итоатли бўлган ҳолда унинг топганига қаноат қилиши, эрининг тоқатидан ташқари нарсани талаб қилмаслиги, бошига бирор мусибат тушганда дод-фарёд қилиб йиғламаслиги, намоз ва рўза каби ибодатларини мумкин қадар мукамал адо этиб бориши лозимдир. Ана шунда у икки дунёда ҳам муқаррам инсонлар қаторида бўлади.

АЁЛ ЖАМИЯТНИНГ ТЕНГҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИ

Ислом дини аёллар Аллоҳнинг олдида эркаклар билан тенгҳуқуқли, барча амалларда улар билан баробар мукаллаф эканларини эълон қилган. Бу ҳақда “Аҳзоб” сурасида бундай дейилади:

إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ
وَالْقَانِتِينَ وَالْقَانِتَاتِ وَالصَّادِقِينَ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّادِقَاتِ
وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّادِقَاتِ
وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّادِقَاتِ
فَرُوجَهُمْ وَالْحَافِظَاتِ وَالذَّاكِرَاتِ وَالذَّاكِرَاتِ اللَّهُ كَثِيرًا
وَالذَّاكِرَاتِ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿٣٥﴾

яъни: “Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатли эркаклар ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозели (камтар) эркаклар ва тавозели аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақловчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр этувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб қўйгандир” (Аҳзоб, 35).

Бошқа бир ояти каримада эса:

مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أَنْثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ
 فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيٰوةً طَيِّبَةً وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا
 كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٧﴾

яъни: “Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирор эзгу иш қилса, бас, Биз унга ёқимли ҳаёт бахш этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган гўзал (солиҳ) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз” (Наҳл, 97), дейилган.

Айни пайтда Ислом шариати аёлларнинг жисмоний хилқатидаги заифлигини эътиборга олган ҳолда, эркаклардан фарқли ўларок, ўз мажбуриятларини уларга енгиллатиб берган. Буни намоз, рўза ва бошқа амаллар мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, аёллар ҳар ойда келадиган ҳайз сабабидан ўша кунлардаги намозни ўқишдан озод этилганлар.

Рамазон ойида ҳам ҳайзли вақтларида рўза тутмайдилар, балки бошқа ойда тутмаган кунлари ўрнига қазосини тутиб берадилар. Ҳаж вақтида ҳам, агар видолашув тавофини қилиш вақтида ҳайзи келиб қолса, у аёлдан видолашув тавофи соқит бўлади, яъни уни бажармасдан ватанига қайтишига рухсат берилган. Бундан ташқари, Ислом шариатида аёлларнинг зиммасига эркакларга ўхшаб жамоат ва жума намозига қатнашиш, имомлик қилиш каби мажбуриятлар юкланмайди. Балки ибодатларни ёлғиз ҳолда ҳамда уйининг ичида адо этмоғи афзал саналади.

Ислом дини таълимотига кўра, аёллар дунёвий ишларида, кундалик ҳаёт тарзларида ҳам кўплаб ҳуқуқларга эгадирлар. Аёлнинг иқтисодий таъминоти унга масъул бўлган эркак (ота, ака-ука, эр, ўғил) зиммасига юкланган. Яъни, қиз бўлса, унинг таъминоти отасининг зиммасида; опа ёки сингил бўлса акаси ёки укасининг зиммасида; хотин бўлса, эрнинг; она бўлса, ўғилнинг зиммасида бўлади. Шу билан бирга, у ўзи истаса бу соҳада мустақил бўлиш, яъни хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Аёллар касб қилиб пул топиш, ота-онаси, эри ёки бошқа қариндошлари вафотидан сўнг улардан қолган меросдан улуш олиш каби ҳуқуқларга ҳам эга. Қуръони каримда бу борада шундай дейилган:

لِّلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ
مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ مِنْهُ أَوْ كَثُرَ
نَصِيبًا مَّفْرُوضًا

яъни: “Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан

улуш бордир. Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Бу озми-кўпми, фарз қилинган улуш-дир” (Нисо, 7). Дарвоқе, Ислом дини келишидан олдинги жоҳилият даврида аёллар меросдан буткул маҳрум қилинар эди.

وعن جابر قال: جاءت امرأة سعد بن الربيع بأبنتها من سعد بن الربيع إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم فقالت: يا رسول الله هاتان ابنتا سعد بن الربيع قتل أبوهما معك يوم أحد شهيدا وإن عمهما أخذ ما لهما ولم يدع لهما مالا ولا تنكحان إلا ولهما مال قال: “يقضي الله في ذلك” فنزلت آية الميراث فبعث رسول الله صلى الله عليه وسلم إلى عمهما فقال: “أعطي لابنتي سعد الثلثين وأعطى أمهما الثمن وما بقي فهو لك” .

яъни: Жобир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Саъд ибн Рабиънинг аёли икки қизини Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига олиб келди ва: “Эй Расулуллоҳ! Мана бу иккиси Саъд ибн Рабиънинг қизлари бўлади. Буларнинг отаси Сиз билан Уҳудда жанг қилиб шаҳид бўлган. Амакиси эса, уларнинг отасидан қолган мероснинг ҳаммасини ўзига олиб, буларни ҳеч нарчасиз қўйди. Бу қизларнинг моли бўлмаса, турмушга ҳам чиқа олмайдилар”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Бу сўровинг ҳақида Аллоҳ таолонинг ўзи ҳукм чиқаради”, дедилар. Мерос ҳақидаги оят нозил бўлгач, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) қизларнинг амакисини чақирдилар ва: “Саъднинг иккала қизига мероснинг учдан икки қисмини, оналарига эса саккиздан бирини бергин ва қолгани се-

ники”, дедилар (Имом Аҳмад, Имом Термизий, Абу Довуд ва Ибн Можа).

Аёл кишининг нафақа таъминоти эрининг зимма-сида бўлса-да, агар у ўзи касб қилиб бойлик топиш имконига эга бўлса, Ислоҳ динида бунга ҳам ижозат берилади. Бу ҳақда Куръони каримда:

لِّلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبُوا وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا
 كَسَبْنَ وَسَأَلُوا اللَّهَ مِنْ فَضْلِهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ
 بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا ﴿٣٢﴾

яъни: “Эркаклар ҳам ўз касбларидан улуш олулар, аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олулар. (Ҳасад қилиш ўрнига) Аллоҳнинг фазлидан сўрангиз. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билувчидир”, дейилган (Нисо, 32).

Аёл киши касб қилиб топган пулини тўлалигича ўз эҳтиёжи учун ишлатишга ҳақли. Агарда оиласи ёки эри учун сарф қилса, у эҳсон қилганлик савоби-ни топади.

عَنْ زَيْنَبِ امْرَأَةِ ابْنِ مَسْعُودٍ أَنَّهَا قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيْجِزِي عَنَّا أَنْ
 نَجْعَلَ الصَّدَقَةَ فِي زَوْجٍ فَقِيرٍ وَابْنِ أَخٍ أَيْتَامٍ فِي حُجُورِنَا فَقَالَ رَسُولُ
 اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَكَ أَجْرُ الصَّدَقَةِ وَأَجْرُ الصَّلَاةِ»

яъни: Ибн Масъуднинг аёли Зайнаб (розияллоху анҳо) ривоят қилади, у: “Ё Расулуллоҳ! Биз аёллар ўз молимиздан фақир эримизга ва акамизнинг бизнинг қарамоғимиздаги етим болаларига садақа қилсак жоизми?” деб сўради. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Албатта, бўлади, сенга

ҳам садақа қилганлик ва ҳам силаи раҳм қилганлик савоби бўлади”, дедилар (*Имом Бухорий*).

Ислом дини эркаклар билан бир қаторда аёлларни ҳам илму маърифатли бўлишга тарғиб этади. Қуръони каримнинг умумий маънода келган оятлари эркак ва аёлларга бирдек тааллуқли бўлгани жиҳатидан: “...Эй Раббим! Менга илмни зиёда эт!” (*Тоҳо, 114*) оятидан аёллар ҳам илмларини ошириш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқлари лозим экани келиб чиқади. Зотан, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарз эканини таъкидлаб ўтганлар.

عن أبي سعيد الخدري: أن النساء قلن لرسول الله صلى الله عليه وسلم غلبنا عليك الرجال فاجعل لنا يوماً نأتيك فيه فواعدهن من الغد فأمرهن ووعظهن وقال: ”ما من امرأة منكن يموت لها ثلاثة من الولد إلا كانوا لها حجاباً من النار“ قالت امرأة: واثنان؟ فإنه قد مات لي ثنتان قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ”واثنان“

яъни: Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади, бир куни аёллар Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эркаклар бизга имкон қолдирмай, сизни банд қилиб қўйишмоқда. Бизлар учун ҳам бир кунни ажратсангиз, олдингизга бориб илм ўрганар эдик”, дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга эртаси куни учрашишга ваъда қилдилар. Эртаси куни аёлларга амри маъруф, ваъз-насиҳат қилиб: “Сизлардан бирорта аёлнинг учта вояга етмаган боласи ўлган бўлса, улар онасига дўзахдан парда бўлади”, дедилар. Шунда бир аёл: “Агар иккита бўлса-чи, чунки менинг икки-

та болам вафот этган”, деб сўради. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Иккита бўлса ҳам”, деб жавоб бердилар (*Имом Насоий*).

Илм олиш борасида мўминлар онаси Ойша (розиаллоҳу анҳо) барча аёлларга ўрнак бўлиб, беназир илм соҳибасига айланганлар. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида Ойша (розиаллоҳу анҳо) фақат аёлларга хос масалаларда фатво берган бўлсалар, Онҳазратларининг вафотларидан сўнг эркаклар ҳам турли масалаларда у кишидан фатво сўраб келар эдилар. Жамиятнинг ярмини аёллар ташкил этар экан, албатта, аёллар ўртасидаги муаммоларни ҳал этиш, хусусан, аёлларга хос бўлган вазифаларни бажариш учун уларнинг илм олмоқлари, ўз касбларининг етук мутахассислари бўлиб етишмоқлари фарзи кифоя ҳисобланади.

Ислом дини таълимотида жамият тараққиёти ва фаровонлиги йўлида қабул қилинадиган турли қарорлар, хусусан, аёлларга хос бўлган қонун-қоидаларни ишлаб чиқишда аёлларнинг бевосита иштирок этиши, кези келганда уларнинг фикрини эътиборга олиш лозим экани алоҳида қайд қилинган. Қуръони каримнинг “Мужодала” сураси оятларида айнан шунга ишора бордир:

قَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّتِي تُجَادِلُكَ فِي زَوْجِهَا وَتَشْتَكِي إِلَى اللَّهِ
وَاللَّهُ يَسْمَعُ تَحَاوُرَكُمَا إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ

яъни: (Эй Муҳаммад!) Аллоҳ Сиз билан ўз эри ҳақида баҳслашаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган аёлнинг сўзини эшитди. Аллоҳ сиз иккингининг сўзлашувингизни эшитур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир (*Мужодала, 1*).

“Мадорик” тафсирида келтирилишича, машҳур саҳобий Убода ибн Сомитнинг (розияллоҳу анҳу) укаси Авс ибн Сомитнинг хотини Ҳавла бинт Саълаба Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) келиб, эри зиҳор қилганини айтади (“Зиҳор” ўз хотинига: “Сен менга онамнинг қорни ёки бадани кабисан”, дейишидир). Бу тўғрида ҳали шаръий ҳукм нозил бўлмаган эди. Пайғамбар (алайҳиссалом) унга талоқ тушади деганларида, аёл норози бўлиб, Аллоҳга шикоят қилади. Шунинг натижасида “Мужодала” сурасининг 1–4-оятларида “зиҳор” ҳақидаги шаръий ҳукмлар нозил бўлади. Унда эр хотинини зиҳор қилганда талоқ тушмаслиги, балки эр бундай номақбул сўзи учун аёлидан узр сўрагани ҳолда, қилган жинояти учун жарима тўлаши лозимлиги айтилади. Бир куни ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) Ҳавла бинти Саълабани кўчада учратиб қолиб, унга салом берибдилар. Аёл саломга алик олиб, сўнг шундай дебди: “Эсингдами, илгари ёшлигингда Укоз бозорида болалар билан ўйнаб юрган вақтларингда, биз сени Умарча деб чақирар эдик. Йиллар ўтиб, Умар бўлдинг. Мана энди мусулмонларнинг амири бўлиб турибсан. Сенга насихатим шуки, қўл остингдаги раият ҳақларини тўла адо этиб юришни унутма”, деб сўз бошлаган экан, шу пайт Жоруд деган киши келиб: “Эй кампир, кўп гапириб халифамизнинг вақтини олма”, дебди. Шунда Ҳазрат Умар унга қараб: “Кўй, унинг сўзини бўлма, танимаяпсанми, ахир бу Авс ибн Сомитнинг хотини Ҳавла-ку. Аллоҳ таоло етти қават осмон устидан унинг сўзини тинглаган-у, нима учун Умар унга қулоқ солмас экан?” – деб насихатларини тинглаган экан.

Ривоят қилинишича, бир куни ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) никоҳ эвазига аёлларга бериладиган маҳрни кўпайтириб юбормаслик, аксинча, уни озай-

тириш кераклиги ҳақида хутба қилдилар ва бу билан маҳрнинг миқдорини қатъий қилиб белгиламоқчи бўлдилар. Шу вақт хутба тинглаб ўтирганлар орасидан бир аёл туриб: “Эй Умар! Сен нега ундай деяпсан, ахир Аллоҳ таоло Қуръонда: “...**аввалги хотинингизга гарчи уюм-уюм молни (маҳр қилиб) берган бўлсангиз ҳам, ундан бирор нарсани қайтариб олманг...**” (Нисо, 20) деган-ку”, деди. Яъни, аёлга бериладиган маҳрнинг муайян бир миқдорда белгилашига қарши чиқиб, Аллоҳ таоло унга ҳеч қандай чегара қўймаганлигини ҳазрат Умарга эслатмоқчи бўлди. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу): “Аёл киши тўғри айтди, Умар эса хато қилди”, дедилар.

Ислом шариатида аёл кишига латофатли хилқат, ибo ва ҳаё тимсоли сифатида қаралиб, уни ҳимоя қилиш, асраб авайлаш лозим эканлиги уқтирилади ва бу вазифа эркакларнинг зиммасига юкланади. Қиз ота қафтида, аёл эр бағрида ва оналар фарзандлар боши узра кўтарилиб, қадрланиши буюрилган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) видолашув ҳажида хутба қилиб, унда ўта муҳим масалаларни баён қилдилар. Жумладан, эркакларни ўз аёлларига нисбатан яхши муомалада бўлишга буюрдилар. Ҳадисларининг бирида эса: “Мўминларнинг энг имони комили гўзал хулқлисидур. Сизларнинг энг яхшингиз аёлига яхши муомалада бўлганингиздир”, деганлар.

Аллоҳ таоло эркакни аёлга нисбатан куч-қувватда, сабр-бардош ва қаноатда фазилатли қилишининг сабабларидан бири унда ўз аёлини ҳимоясига олиш мажбурияти борлигидан, деб тушунмоқ даркор. Аёл доимо суянчиққа муҳтожлиги учун уни нозик ва латофатли қилиб яратган. Аёлларимиз уч нарсага чуқур эътибор бериб яшашлари билан оиланинг

барқарор, тотув бўлишига ҳисса қўшган бўладилар: биринчиси, доимо эрга итоатда бўлиш, иккинчиси, доимо очиқ чехра билан юриш ва учинчиси, эрга ва унинг мол-дунёсига садоқатли, вафодор бўлиш.

ЖАҲОЛАТ ЗАЛОЛАТНИНГ АСОСИДИР

Инсоният бу дунёда илм-маърифатсиз бахтли бўла олмаслиги айна ҳақиқат, илмга нисбатан эътиборсизлик бўлган жамиятда жаҳолат авж олиши ҳам муқаррардир. Жаҳолат эса инсониятнинг йўлдан адашувига, турли хилдаги каттаю кичик гуноҳ ва жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳадисларининг бирида бундай марҳамат қилганлар:

“إن الله تعالى لا يقبض العلم انتزاعاً ينتزعه من العباد، ولكن يقبض العلم بقبض العلماء حتى إذا لم يبق عالماً اتخذ الناس رؤساء جهلاً فسئلوا فأفتوا بغير علم فضلوا وأضلوا”

яъни: “Албатта, Аллоҳ таоло илмни бандаларининг қалбидан суғуриб олиб қўймайди, балки уламоларни вафот эттириш билан илмни олади. Охиरोқибат битта ҳам олим қолмагач, одамлар жохилларни ўзларига бош қилиб оладилар. Улардан савол сўрайдилар, улар эса илмсиз ҳолларида фатво берадилар. Натижада ўзлари ҳам адашадилар, ўзгаларни ҳам адаштирадилар” (Имом Бухорий ва Муслим).

Оилада, жамиятда ва ижтимоий ҳаётда аёлларнинг фаоллиги янада ошиб бораётган бугунги кунда хотин-қизлар орасида маънавий-маърифий ишларнинг тўғри йўлга қўйилиши давр талаби бўлиб қолмоқда. Жумладан, хотин-қизларга диний маъри-

фат ва ахлоқий тарбия бериш энг муҳим масалалардан биридир.

Хотин-қизларни, болаларни комиллик сари етаклаш вазифаси оналар зиммасида бўлган. Имом Бухорий, Термизий, фалакиёт илми билимдони Мирзо Улуғбек, дунё тиббиётига устоз бўлган Абу Али ибн Синонинг улуғ инсонлар бўлишларига биринчи навбатда маърифатли аёллар, мўътабар оналар сабабчи. Навоийдек шоирларни ҳам, Мирзо Бобурдек ҳукмдорларни ҳам ана шундай оналар тарбия қилишган. Мутафаккирлар, илм дарғаларининг ҳаёт йўлларига назар солсак, бошланғич таълимни гўдаклик, болалик чоғларида оналаридан олишгани маълум бўлади.

Албатта, бундай шахслар камолоти замирида аёлнинг муҳаббати, фидойилиги, меҳнати ётади. Масалан, Имом Ҳоким, Имом Термизий (раҳимаҳумуллох) кўп аёл муҳаддислардан сабоқ олишгани манбаларда келтирилган. Аллома Имом Ғаззолийнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳаёти ўрганилса, унинг шахси камолида маърифатпарвар онанинг улкан хизмати кўзга ташланади.

Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаммадан олдин аёллари Хадича онамиз (розияллоҳу анҳо) ёрдам кўрсатганлари маълум. Ҳазрат Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) бу уммат аёлларининг олимаси ва Қуръон ҳофизаси эди. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) энг етук фақиҳ бўлса, ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо) энг етук фақиҳа эди. Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) ҳофиз бўлса, Ҳафса бинти Умар (розияллоҳу анҳо) ҳофиза бўлган. Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) йирик машойих бўлса, Робия Адавия (раҳматуллоҳи алайҳа) катта машойихлар мақомида эди.

Момоларимиз ҳалоллиги, тақвоси, меҳнаткашлиги, ҳаёси билан қадимдан эл ҳурматини қозонишган. Чунки улардаги айрим фазилатларни бошқа халқлар аёлларида кўриш мушкул. Шоиралар мураббийи Жаҳонотин Увайсий, маърифатпарвар шоира Нодирабегим ва доно маслаҳатчи Бибихоним каби оқила момоларимиз яхши тарбия кўрганлари боис, ўз даврининг машъали, хайрли ва улуғвор ишларнинг йўлбошчилари бўлишган.

Афсуски, ҳозирги кунимизда соф ислом таълимидан хабарсизлик натижасида аёллар ўртасида турли хил бидъату хурофотлар авж олиб бормоқда. Буларга бошчилик қилаётган баъзи бир сохта отиноийлар турли маросимларда дин номидан гапириб, аёлларни динда асли йўқ бўлган амалларни қилишга тарғибу ташвиқ қилмоқдалар. Илми йўқ, фақат бирикки оят, ҳадисни чала ёдлаб олган, беҳуда гаплару асоссиз ривоятлар билан одамларни чалғитаётган сохта отиноийлар нафс кўйида, бойлик орттириш, обрў-эътибор илинжида ўзлари билмайдиган ишларга қўл уришмоқда. Улар аёлларни ҳидоятга чорлаяпман, деб ўйлайди-ю, аммо ўзини ҳам, бошқаларни ҳам залолат ботқоғига тортаётганини сезмайди.

Баъзи сохта отиноийлар, ўзининг етарли билими бўлмагани ҳолда, диний расм-русумларга бошчилик қилиш билан бирга, бидъат-хурофот ишларда ташаббускорлик ҳам кўрсатишяпти. Бу билан фақат ўзларини эмас, уларга эргашувчиларни ҳам залолатга бошлашмоқда.

عن أبي هريرة رضي الله عنه: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: "من دعا إلى هدى كان له من الأجر مثل أجور من تبعه، لا

يَنْقُصُ ذَلِكَ مِنْ أَجْرِهِمْ شَيْئًا، وَمَنْ دَعَا إِلَى ضَلَالَةٍ كَانَ عَلَيْهِ مِنَ
الْإِثْمِ مِثْلُ آثَامِ مَنْ تَبِعَهُ لَا يَنْقُصُ ذَلِكَ مِنْ آثَامِهِمْ شَيْئًا“

яъни: Абу Хурайра (розияллоху анху) ривоят қилади: “Расулulloх (соллаллоху алайхи ва саллам) айтадилар: “Ким ҳидоятга чақирса, унга эргашувчининг савобидек ажр бўлади. Бу билан амал қилган кишининг савобидан бирор нарса камаймайди. Ким залолатга чақирса, эргашувчи кишининг гуноҳидек унга гуноҳ ёзилади. Бу билан амал қилган кишининг гуноҳидан бирор нарса камаймайди” (Имом Муслим).

Айрим аёл-қизлар онгига ўрнашиб қолган ирим-сиримлар ва Биби сешанба, Мушкул кушод каби бидъат-хурофотларга раддия билдириш ўрнига, отинойилар уларга бош-қош бўлмоқдалар. “Мушкул кушод” гўеки, мушкулларни осон қилиш мақсадида, масалан, қизига совчи келмаганида ёки ўғлига муносиб келин топилмаганида, ё бўлмаса иши юришмаганида ва ҳоказо мушкулларни ҳал қилишда асосий омил сифатида қаралиши нафақат хурофот, балки эътиқодда адашув ҳамдир.

Балои нафс йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган баъзи фирибгарлар аёлларнинг ишонувчанлик, соддадиллик ва итоаткорлик каби хусусиятларидан фойдаланиб, уларни тўғри йўлдан чалғитишяпти. Ишончни суиистеъмол қилиб, аёлларни алдашмоқда. Чет элларда ишлаб, рўзғор учун мўмай даромад топиб келиш мумкинлигини рўкач қилиб, хорижга олиб чиқмоқдалар ва уларни турли хил қинғир, гуноҳ ишларга ҳам мажбур қилмоқдалар. Соддадиллик, ишонувчанлик, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш яхши фазилат, аммо ўзи танимаган кимса-

ларга, билмаган нарсасига эргашиб кетавериш тўғри эмас. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا ﴿٣٦﴾

яъни: “Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)” (Исро, 36).

Аёллар орасида кенг тарқалган иллатлардан яна бири фолбинлик қилиш ва фолбинларга боришдир. Бунинг ҳар иккиси ҳам улкан гуноҳ ишлардан саналади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: “مَنْ أَتَى عَرَّافًا أَوْ كَاهِنًا فَصَدَّقَهُ بِمَا يَقُولُ فَقَدْ كَفَرَ بِمَا أَنْزَلَ عَلَيَّ مُحَمَّدٌ”

яъни: Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ким фолбинга ёки коҳинга борса ва унинг айтганларига ишонса, Муҳаммадга нозил бўлган нарсага кофир бўлибди” (Имом Байҳақий). Бошқа бир ҳадисларида эса: “Фолбинга бориб ундан фол очишни сўраган кишининг қирқ кунгача ўқиган намози қабул бўлмайди”, деганлар. Фолбинларга бориш ва уларга ишониш нафақат гуноҳи азим, балки жамият кишилари орасида бир-бирига нисбатан ишончсизлик, ҳасад, адоват ва фитна-фасодлар уруғининг сочилишига ҳам сабаб бўлади.

Шунингдек, аёллар орасида авж олган, хатто баъзилари урф-одат даражасига ҳам чиқиб қолган

ирим-сиримлар мавжуд, баъзи аёллар ана шу ирим-ларнинг исканжасига тушиб қолган. Аслида, ирим қилиш, унга ишониш ҳам гуноҳдир. Чунки ирим-сиримга ишониш Аллоҳнинг тақдирига ишонмасликдан далолатдир.

عَنْ أُمِّ عَلْقَمَةَ مَوْلَاةِ عَائِشَةَ، قَالَتْ: أَتَيْتُ عَائِشَةَ بِغُلامٍ صَبِيٍّ تَدْعُو لَهُ، قَالَتْ: فَرَفَعُوا وَسَادَةٌ كَانَ عَلَيْهَا الصَّبِيُّ قَالَتْ: فَرَأَتْ عَائِشَةَ تَحْتَهَا مُوسَى، فَقَالَتْ: مَا هَذِهِ؟ قَالَتْ: نَجَعُهَا مِنَ الْجِنِّ وَالْفَرَجِ، قَالَتْ: فَأَخَذَتْهَا عَائِشَةُ فَرَمَتْ بِهَا، وَقَالَتْ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَبْغِضُ الطَّيْرَةَ وَيَكْرَهُهَا.

яъни: Ойша онамизнинг (розияллоҳу анҳо) чўри-лари Умму Алқама ривоят қилиб айтади: Мен Ойшанинг (розияллоҳу анҳо) олдига бир чақалоқни олиб келдим. Чақалоқ ётган ёстикни кўтаришган эди, унинг остида қаламтарош бор экан. Ойша (розияллоҳу анҳо) уни кўриб: “Бу нима?” деди. “Чақалоқни жиндан ва чўчишдан сақлаш учун қўйганмиз”, дейишди. Шунда Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) уни олиб отиб юборди ва: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ирим-сиримни ёмон курар эдилар”, деди (Абу Яъло).

Афсус, ёмон кўздан асраш учун уйга ёки кийимга кўзмунчоқ, тикан, тақа, бўри тирноғини илиб қўйиш каби одатлар, чоршанба, шанба кунлари сафарга чиқмаслик ва бошқа шунга ўхшаш хурофотларга ишониш ҳали-хануз аёлларнинг онгини тарк этмаётир.

Минг афсус, тўй ва маърака-маросимларда исрофгарчиликлар ҳамон камаймаяпти. Айниқса, тўй ара-

фасидаги олди-берди, ортиқча зебу зийнатлар, кийим-кечагу меҳмондорчиликлар, тўйдан кейинги тадбирлар катта исрофдир. Шулар туфайли, “берди-бермади” деган гап-сўзлар билан оилалар бузилиб кетяпти. Албатта, бунга ҳам узоқни кўзлаб иш тутмайдиган, дунё матосини оиласининг тинчидан ҳам, фарзандларининг бахтидан ҳам юқори қўядиган аёллар асосий сабабчилардан бўлмоқда. Рўзғорнинг имкониятларини ҳисобга олмай, қизининг сепини ҳеч кимникидан кам қилмаслик учун эрини қарзга ботираётган ҳам, ёки бўлмаса олаётган келинининг сепини фалон даражада бўлишини куда томондан талаб қилаётган ҳам ана шундай аёллардир. Хотинининг бу каби талаблари натижасида эркак оила, бола-чақа ташвишида ўзини ўтдан чўққа уради, хотинини хурсанд қилиш, норозиликларнинг олдини олиш учун гоҳида ҳатто қинғир йўллар билан пул топишга ҳам ўтиб қолади. Шу тариқа ортиқча дабдабага берилиш, орзу-хавасларни меъёридан ошириб юбориш, ҳад-худудни билмаслик охир-оқибат инсоннинг гуноҳга, жиноятга қўл уришига сабаб бўлмоқда. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар:

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَنَّ الدُّنْيَا خَضِرَةٌ خُلُوعَةٌ
وَأَنَّ اللَّهَ مُسْتَخْلِفُكُمْ فِيهَا فَيَنْظُرُ كَيْفَ تَعْمَلُونَ، فَاتَّقُوا فِتْنَةَ الدُّنْيَا
وَفِتْنَةَ النِّسَاءِ، فَإِنَّ أَوَّلَ فِتْنَةٍ بَنِي إِسْرَائِيلَ كَانَتْ فِتْنَةَ النِّسَاءِ»

яъни: “Дарҳақиқат, дунё кўзни қувонтиргудек лаззатлидир. Албатта, Аллоҳ таоло сизларга уни бериб қўяди ва қандай амал қилишингизни кузатади. Бас, дунё фитнасидан ва аёлларнинг фитнасидан

сақланинглар. Зеро, Бани Исроилнинг энг биринчи фитнаси аёллар орқали бўлган” (Имом Байҳақий).

Аёллар ўртасида учраётган муаммолардан яна бири ўз жонига қасд қилишдир. Турмушдаги баъзи бир муаммолар, рўзғордаги етишмовчилик, эрхотин ёки қайнона-келин можаролари сабабидан ёки бўлмаса, кўнгил қўйган кишисига етиша олмаслик натижасида қиз-жувонлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари, оз бўлса-да, учраб тургани афсусланарли ҳолдир. Ана шундай гуноҳи кабирага қўл ураётган аёл-қизлар, наҳотки, шу йўл билан муаммо ҳал бўлади, деб ўйлашса. Бу синовли дунёнинг озгина ғурбатига сабр қила олмай, қўл ураётган бу мудҳиш амаллари туфайли улар ўзларини жаннатга киришдан маҳрум қилишлари, охират азобига дучор бўлишларини, наҳотки, англаб етмасалар. Биз юқорида жоҳилият араблари орасида мавжуд бўлган қиз болаларни тириклайин кўмиш одати ҳақида сўз юритган эдик. Аёл-қизларнинг ўз жонларига қасд қилишлари жаҳолатнинг ҳаддан зиёд бўлганлигидан далолат эмасми?! Динимизда ўз жонига қасд қилиш гуноҳи кабиралардан бири саналади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا ﴿١٩﴾

яъни: “...Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир”, деб марҳамат қилган (Нисо, 29). Ушбу оятда ҳаёт қийинчиликларига бардош бера олмай ёки бирор нарсанинг аламига чидаёлмай ўзини ўзи ўлдириш тақиқланмоқда. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам бундай деганлар:

“وَمَنْ قَتَلَ نَفْسَهُ بِشَيْءٍ عَذَّبَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ”

яъни: “Ким ўзини бирор нарса билан ўлдирса, қиёмат куни ўша нарса билан азобланади” (*Имом Бухорий ва Имом Муслим*). Сабр-бардошли бўлиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатлардан биридир. Аждодларимиз ҳаёт тажрибаларидан келтириб чиқарган, халқ орасида кенг тарқалган “сабрнинг таги сариқ олтин” каби мақоллар ҳам фикримизнинг далилидир. Ўз фарзандларини сабрли қилиб тарбиялашга катта эътибор берган боболаримиз, момоларимизнинг ҳаётлари ҳамма замон кишилари учун катта ибратдир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сабрни уч турга бўлиб, ибодатда, гуноҳдан сақланишда ва мусибат-машаққатларда сабрли бўлишга буюрганлар. Инсон сабр қувватини ана шу ишларга сарфласа, ҳеч қачон “сабр косам тўлди”, демайди.

Сабр барча инсонга керак, зеро, аёллар учун бу фазилат зийнат ва уларга эркаклардан кўра муносиброқ сифатдир. Ҳикоя қилинадикки, кунлардан бир куни Ҳасан Басрий, Молик ибн Динор ва Собит Баннонийлар (раҳимаҳумуллоҳ) валийя Робия Адавиянинг (раҳматуллоҳи алайҳа) ҳузурига кирдилар ва Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) ул муҳтарама зотга бундай деди: “Ё Робия, сен эрсиз қолдинг, бизлардан биримизни эрликка ихтиёр эт. Чунки никоҳ Расулуллоҳнинг суннатларидир”. Шунда ул зот Ҳасан Басрийдан (раҳматуллоҳи алайҳ) сўради: “Эй Ҳасан, айтинг-чи, ақл неча бўлак? Шаҳват неча бўлак?” Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ): “Ақл ўн бўлак, тўққизтаси эркакларда, бири хотинларда, шаҳват ҳам ўн бўлак, тўққизи хотинларда, бири эркакларда”, деб жавоб беради. Шунда Робия (раҳматуллоҳи алайҳа): “Мен

бир ақлим билан тўққиз шахватимни тийсам-у, сиз тўққиз ақлингиз билан бир шахватингизни тия олмасангиз”, деди. Қиссадан ҳисса шуки, Робия (рахматуллоҳи алайҳа) юқорида санаб ўтилган сабрнинг учала турига ҳам эга бўлиб, барча аёлларга намуна бўлган.

Қуръони каримда сабр борасида барчага, хусусан, аёлларга ибрат бўла оладиган сабр қаҳрамонлари ҳақида кўплаб қиссалар баён қилинган. Жумладан, Айюбнинг (алайҳиссалом) сабри бутун дунёда зарбулмасал бўлиб кетган. Шу боис биров ўзига сабр сўрайдиган бўлса, менга Айюбнинг (алайҳиссалом) сабрини бергин, деб дуо қилади. Бошқа бировнинг сабрини мадҳ қилмоқчи бўлса ҳам, фалончига Аллоҳ таоло худди Айюбнинг (алайҳиссалом) сабрини берган, деб васф қилади. У зотнинг хотинлари ҳам сабр борасида ҳаммага ибрат бўладиган даражада эди. Энг оғир пайтларда Айюбнинг (алайҳиссалом) хизматларини ихлос билан мукаммал адо этган.

Эрга итоат ва ҳаёт машаққатларига сабр-бардош борасида Иброҳимнинг (алайҳиссалом) хотинлари ҳам барча аёлларга ибратдир. Иброҳим (алайҳиссалом) завжалари Ҳожар онамиз (розияллоҳу анҳо) ва кексалиқда кўрган ўғли Исмоилни (алайҳиссалом) Маккаи мукарраманинг чўлу биёбонига ташлаб кетдилар. Бу ҳақда у зот Аллоҳ таолога муножот қилиб:

رَبَّنَا إِنِّي أَسْكَنْتُ مِنْ ذُرِّيَّتِي بُوَادٍ غَيْرِ ذِي زَرْعٍ عِنْدَ
بَيْتِكَ الْمُحَرَّمِ

яъни: “Эй Раббимиз! Мен зурриётимдан (бир қисмини – ўғлим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни) Сенинг ҳурматли Байтинг ҳузурисидаги экин ўс-

майдиган бир водийга жойлаштирдим...”, дедилар (Иброҳим, 37). Шунда Ҳожар онамиз (розияллоху анҳо) Иброҳимнинг (алайҳиссалом) орқаларидан эргашиб: “Сиз бизни бу ерларга ўз ихтиёрингиз билан ташлаб кетяпсизми ёки Аллоҳ таолонинг амри биланми?” деб сўради. Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳнинг амри билан ташлаб кетаётганларини айтганларида, Ҳожар онамиз: “Ундай бўлса, хотиржам кетаверинг. Аллоҳнинг Ўзи бизларни ҳимоя қилади”, деди. Ҳожар онамизнинг сабр-бардоши туфайли Аллоҳ таоло у зотга мукофот тарзида ўғлининг оёқлари остидан Зам-зам булоғини чиқариб берди ҳамда Сафо ва Марва орасидаги саргардонликларини ҳаж ва умра қилувчилар учун вожиб – саъй амаллардан қилиб қўйди.

Аёл-қизлар орасида диний маърифатнинг етарли эмаслиги натижасида юзага келаётган муаммолардан, бошқачароқ айтадиган бўлсак, чалкашликлардан бири аёлларнинг кийиниш маданиятидир. Мустақиллик шарофати билан ҳамюртларимизнинг хоҳ тижорат, хоҳ зиёрат мақсадида бўлсин, хорижга чиқишларига имконият туғилди. Айниқса, улуғ ибодатлар бўлмиш ҳаж ва умра зиёратига бориш бахтига муяссар бўлмоқдалар. Бунинг учун Яратганга беадад ҳамду санолар ва шукрлар айтамиз. Бироқ мана шу имкониятлардан фойдаланиш билан бир қаторда, юртимиз аёл-қизлари ҳаётига арабларга хос бўлган кийиниш одатининг кириб келиши баъзи бир тушунмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, бизнинг юртимиз уламолари аввал ҳам, ҳозир ҳам кийимга нисбатан “ҳижоб” сўзини ишлатмаганлар. Яъни, аёлларни ҳижобли ёки ҳижобсиз деб тавсифлаш бўлмаган. Чунки “ҳижоб” – парда,

тўсиқ деган маънони англатувчи сўз бўлиб, унинг аёллар кийимига мутлақо алоқаси йўқ. Қолаверса, хижоб тутиш Пайғамбарнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) аёлларига хосдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда Қуръони каримда шундай баён қилган:

وَإِذَا سَأَلْتُمُوهُنَّ مَتَاعًا فَسَلُّوهُنَّ مِنْ وَرَائِهِ حِجَابٌ
ذَلِكَكُمْ أَطْهَرُ لِقُلُوبِكُمْ وَقُلُوبِهِنَّ

яъни: “...Қачон, сизлар улардан (пайғамбар аёлларидан) бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўрангиз! Мана шу сизларнинг дилларингиз ва уларнинг дилларига нисбатан ҳам тозароқ (иш)-дир” (Аҳзоб, 53). Демак, Аллоҳ таоло Пайғамбар (алайҳиссалом) аёлларининг шаънини сақлаш мақсадида номаҳрам эркаклар билан парда ортида туриб мулоқот қилишга буюрмоқда. Қуръони каримда аёлларнинг кийиниш одоби хусусида ушбулар баён қилинган:

وَقُلْ لِلْمُؤْمِنَاتِ بَعْضُضُنَّ مِنَ أَنْصُرِهِنَّ وَحَفَظُنَّ فُرُوجَهُنَّ
وَلَا يُدْرِكْنَ رِجْلَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَلْيَضْرِبْنَ بِخِصْمِهِنَّ عَلَى
جُجُوبِهِنَّ وَلَا يُدْرِكْنَ رِجْلَهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ أَوْ آبَائِهِنَّ
أَوْ مَنَابِعِهِنَّ أَوْ أَبْنَائِهِنَّ أَوْ أَبْنَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ
إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي إِخْوَانِهِنَّ أَوْ نِسَائِهِنَّ أَوْ مَا
مَلَكَتْ أَيْمَانُهُنَّ أَوِ الشَّيْبَعِ غَيْرِ أَوْلِيِ الْإِرْبَةِ مِنَ الرِّجَالِ
أَوِ الْغُلَامِ الَّذِينَ لَمْ يَظْهَرُوا عَلَى عَوْرَاتِ النِّسَاءِ وَلَا يَضْرِبْنَ

يَا زُجَّالِهِنَّ لِيُعَلِّمَنَّ مَا يُخْفِينَ مِنْ زِينَتِهِنَّ وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا
 أَيُّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٣١﴾

яъни: “Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номахрам эркаклардан) қуйи тутсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар! Шунингдек, (одатда) кўриниб турадиганидан бошқа зийнатларини кўрсатмасинлар ва рўмолларини кўкраклари узра тушириб олсинлар! Улар зеб-зийнатларини эрлари ё оталари, ё эрларининг оталари, ё ўғиллари, ё эрларининг ўғиллари, ё ўзларининг оға-инилари, ё оға-иниларининг ўғиллари, ё опа-сингилларининг ўғиллари, ё ўзлари (каби) аёллар, ё қўл остиларидаги (чўри)лар, ё (аёллардан) беҳожат бўлган (яъни жуда кексайиб қолганлар, хунасалар ёки ақлсиз-девоналар каби) эркак хизматкорлар, аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдаклардан бошқа кишиларга кўрсатмасинлар! Яна, яширган зийнатларини билдириб, оёқларини (ерга) урмасинлар! Барчангиз Аллоҳга таваба қилингиз, эй мўминлар! Шояд, (шунда) нажот топсангиз” (Нур, 31). Демак, оятда буюрилганидек, аёллар авратларини яшириб юришлари шарт, аммо бунинг учун на оят ва на ҳадисларда махсус (ҳозирги баъзи аёллар хижоб деб номлаётган қора) кийимлар хақида ҳеч нарса дейилмаган. Асосий мақсад уларнинг авратлари ёпиқ бўлишидир. Бунинг учун бизнинг миллий либосларимиз, яъни енги узун кўйлақлар, лозим ва миллий рўмолларимиз жуда мос келади. Аслида, бу кийимларни аёллар эркакларнинг назаридан қочиш учун киядилар. Лекин ҳозирги кунда баъзи бир аёл-қизлар кияётган кийимлари, ўраётган рўмоллари билан эркакларнинг эътибо-

рини ўзларига тортмоқдалар. Аёлларнинг ибo ва ҳаёсини ифoдаловчи кийим-бошни ўзларининг хою ҳаваслари йўлида кияётганлар ҳам учраб турибди.

Айни пайтда, миллийликка, мусулмончиликка зид бўлган, ҳаддан ташқари очиқ-сочиқ, калта либосларда юрадиган аёл-қизлар ҳам йўқ эмас. Юртимизга турли юртлардан олиб келинаётган кийимларни кийиб, ярим яланғоч бўлиб юриш на динимизга, на шарқона миллий урф-одатларимизга тўғри келмайди. Барча амалларимизда бўлгани каби, меъёр, камтарлик, орасталик тамойиллари кийинишга ҳам татбиқ этилиши керак.

ХУЛОСА

Аллоҳ таоло аёл зотининг ўзини ҳам, сўзини ҳам эъзозга лойиқ қилиб яратган. Қиз, аёл ва оналар доимо ота, ўғил ва яқин эркак қариндошлар паноҳида ва ҳимоясида бўлиши лозим. Уларни ёлғиз ҳолда беғоналар орасида ҳимоясиз ташлаб қўйиш ва эътиборсиз қолдириш мутлақо мумкин эмас. Хотин-қизлар шаънини ҳимоя қилиш иймонли кишиларнинг шарафли бурчидир. Шу жиҳатдан аёл зотини хиёнаткорона нигоҳлар офатининг қурбонига айлантирмаслик шарт. Мусулмончиликда эркак киши қалқон мисол бўлиб, аёлини ҳимоялаб олдига ўтиб юриши ҳам уларнинг ҳурматини ўрнига қўйиш ҳисобланади. Куръони каримнинг “Қасас” сурасида Шуайб пайғамбарнинг икки қизи ва Мусо (алайҳиссалом) ўрталарида бўлиб ўтган мулоқот бундай баён этилган:

قَالَتْ إِحَدَهُمَا يَا أَبَتِ اسْتَفْجِرُكِ ابْنِ خَيْرٍ مِّنْ اسْتَفْجَرْتِ
الْقَوِيُّ الْأَمِينُ

яъни: «(Қизлардан) бири: “Эй ота, уни (ишга) ёллагин! Зеро, сен ёллайдиган (бу) яхши киши кучли ва ишончли кишидир”, – деди» (Қасас, 26). Ривоят қилинишича, Шуайб (алайҳиссалом) қизидан: Сен Мусонинг кучли ва ишончли киши эканини қаердан билдинг? – деб сўрайди. Шунда у Мусони (алайҳиссалом) қандай қилиб қудуқнинг юзидаги харсанг тошни олиб ташлаб, ундан катта челақда сув олиб бергани ҳамда отаси уни хузурига чақирганини айтаётган вақтида қизнинг юзига боқмагани ва

ниҳоят, йўл давомида Мусо (алайҳиссалом) қизга ўзининг ортида юришга буюрганини, айнан мана шу жиҳатлари Мусонинг ишончли киши эканидан далолат бўлишини айтади.

Қадимдан ота-боболаримиз муқаддас заминимизда хотин-қизлар ҳуқуқини тўлиқ таъминлаб, уларнинг ҳурматини ўз ўрнига қўйганлар. Асрлар оша бу юртда буюк даҳолар дунёга келгани шу қутлуғ анъананинг ҳам самарасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Шайх Абдулазиз Мансур*. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. Тошкент, 2010.

2. *Имом Исмоил Бухорий*. “Саҳихул Бухорий”. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Тошкент, 2008.

3. *Ислом Каримов*. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент, 2011.

4. *Айдарбек Тулепов*. “Ислом ва ақидапараст оқимлар”. Тошкент, 2012.

5. *Нуришмон Абулҳасан, Хомиджон Ишматбеков*. “Ислом маърифати (назарий-услубий қўлланма)”. Тошкент, 2005.

6. *Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Табризий*. “Мишкотул масобих”. Қоҳира, 2004.

7. *Мулло Али ибн Султон Қорий*. “Мирқотул мафотих шарҳ мишкотул масобих”. Байрут, 2002 й.

8. *Абу Лайс Самарқандий*. “Баҳрул улум”.

9. *Абул Баракот Насафий*. “Тафсирун Насафий”.

10. *Исмоил Ҳаққий*. “Рухул баён”.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Аёл Ислом нигоҳида	4
Исломдан аввалги даврда аёлларга муносабат.....	5
Ислом дини таълимотида аёлларга муносабат.....	9
Аёл жамиятнинг тенгҳуқуқли аъзоси.....	25
Жаҳолат залолатнинг асосидир.....	34
Хулоса.....	48

2500 9/11

Диний-ижтимоий нашр

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАНГ

Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз МАНСУР
Муҳаррирлар Муҳтарама УЛУҒОВА
Муҳаммад Сиддиқ МУКАРРАМ
Бадий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли
Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ
Мусахҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: А1 № 146. 2009. 14. 08.

Босмахонага 2013 йил 26 августда берилди. Босишга 2013 йил 27 августда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 ¹/₃₂. Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 1,62. Шартли б. т.: 3,25

Адади: 2000 нусха.

57-сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Мовақоупнаһ” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: m-nashr@yandex.ru.

Тел: (8-371) 227-34-30

“Тошкент Ислом университети” нашриёт-матбаа

бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент шаҳар Абдулла Қодирий кўчаси 11-уй.

Тел: 244-00-91

Факс: 244-00-65

E-mail: info@tiu.uz